

ТАСДИҚЛАЙМАН:

Янгиқўрғон тумани тиббиёт
бирлашмаси мудир

«03»



Л.Ахмедова

2022й.

БУЮРТМАЧИ:

Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси

**Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси биносига
5кВт/соатгача қуёшэлектростанциясини (ON GRID
тизими) жиҳозларини олиб келиш ва ўрнатиш**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Янгиқўрғон тумани -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Шартнома асосида Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси биносига 5 кВт/соат кўёш станцияси(ON GRID тизими)ни ўрнатиш ва ишга тушириш.

1.2. Танлов охириги қиймати –68 000 000 (эллик саккиз миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан таъминотчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Асосий воситаларни етказиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 7 кун.

1.5 Асосий воситаларни етказиш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Фарғона вилояти вилояти, Янгиқўрғон тумани, Мустақиллик кўчаси 10 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, етарли иш тажрибаси эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қиймагининг камида 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

Иш тажрибаси;

ўз кучлари билан илгари етказиб берилган махсулотлар тўғрисида маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг ҳужжатлари, хусусан, асосий воситаларни техник параметрлари билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Хисобчи:

